



ВВС радиоси ўзбек хизмати бугунги дастурида Қудрат Расулов иши бўйича махсус эшиттириш тайёрлаган.

Эслатиб ўтагимиз, Наманган шаҳар суди 27 декабр куни 43 ёшли маҳаллий тадбиркор Қудрат Расуловни “Конституцион тузумга тажовуз”да айбдор деб топиб, 8 йиллик қамок жазосига маҳкум этган. Маҳкумнинг яқинлари бундан беҳабар бўлган.

Суд материалларида Расуловнинг муҳолифатдаги Ўзбекистон Халқ Ҳаракатига тегишли материалларни тарқатгани айтилади.

Дастлабки хабарларда махсус хизматлар Расуловнинг интернет

мулоқотларини кузатгани, уйининг яқинига махсус жиҳоз ўрнатиб, жумладан, Skype даги алоқаларини қайд этгани айтилган.

Расуловни яқиндан таниган Наманганлик журналист Носир Зокирнинг ВВС радиосининг ўзбек хизматида айтишича, бу нарсалар суд материалларида ашёвий далил сифатида келтирилган.

Журналистга кўра, ўзбек махсус хизматлари фуқароларнинг интер-

фуқаро жамияти аъзолари талайгина, аммо Расулов муҳолифат ташкилотига тегишли материалларни фуқароларга очик тарзда тарқатган ва оқибатда эҳтиётсизлик қурбони бўлган.

“Мен ўша одамларнинг баъзилари билан суҳбатлашдим ва улар материалларни Қудратулладан олганларини тасдиқлашди”,- дейди Расуловни таниган журналист. – “Демократик жамиятда интернет-

## РАСУЛОВ УСТИДАН СУД ҲУКМИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИНТЕРНЕТ УСТИДАН НАЗОРАТНИ ФОШ ЭТДИ

нетдаги фаолиятини кузатиб бориши янгилик эмас, аммо Расулов устидан маҳкама шуниси билан аҳамиятлики, ушбу маҳкама айни пайтда ўзбек махсус хизматларининг жосуслик амалиётларини ҳам фoш этмоқда.

Носир Зокирнинг айтишича, Ўзбекистон ичкарасида интернетда фаол бўлган муҳолифат ва

даги материалларни тарқатиш одадий ҳол, аммо бизнинг Ўзбекистон қонунлари бўйича бу жинойят деб талкин қилинади”.

Унга кўра, Наманган маҳкамасининг ҳукми Ўзбекистондаги интернет фойдаланувчиларини янада хушёрроқ бўлишга ундайди.

UZBEK.FM

Шу ой бошида ҳибсга олинган муҳолифатдаги Ўзбекистон Халқ Ҳаракати фаоли Фахриддин Тиллаевнинг қаердалиги номаълум қолмоқда.

Ҳимоячиси Полина Браубергнинг билдиришича, унинг ҳозиргача маҳбус билан учрашишни сўраб қилган мурожаатлари жавобсиз қолган.

У одам савдосида гумон қилинаётгани айтилади. Ўзбекистон Халқ Ҳаракати Тиллаев ва у билан деярли бир вақтда ҳибсга олинган яна бир фаол — Нураддин Жуманиёзовларга қарши одам савдоси билан боғлиқ айбловларнинг тўқиб чиқарилганини айтади. Муҳолифат ташкилотига кўра, уларнинг



## ВВС: ФАХРИДДИН ТИЛЛАЕВ НОҚОНУНИЙ ҲИБСДА УШЛАБ ТУРИЛИБДИ

Брауберг хоним Тиллаев кийноққа солинаётган бўлиши мумкинлигидан хавотирда эканини айтади.

Унга кўра, ҳозирга қадар Тиллаевга нисбатан расмий айблов эълон қилинмаган. 42 ёшли Фахриддин Тиллаев шу йилнинг 2 январидан Тошкентдаги уйида ҳибсга олинган.

ҳибсга олиниши Ўзбекистондаги сиёсий репрессияларнинг давомидир. Ҳар икки фаол ўтган йил сентябрида маъмурий жавобгарликда айбланиб, маҳкамага тортилган ва катта миқдордаги жаримага маҳкум этилганди.

Бунга уларнинг Тошкентдаги Қуйлуқ бозоридаги мардикорлар орасида анкета тарқатаётганлари сабаб бўлган.

Норасмий «Мардикорлар касба уюшмаси»нинг таъсисчи аъзолари бўлган Тиллаев ва Жуманиёзовлар мардикорларни йиғиб, уларга ўз ҳақлари борасида туншунтириш ишлари олиб бораётган бўлишган.

Адвокат Полина Брауберг Тошкент шаҳар прокурори номига ўз ҳимояси остидаги шахсининг ҳуқуқлари кўпол равишда поймол этилаётганлиги юзасидан шикоят аризаси киритганини маълум қилган.

bbcuzbek.com



“Биржевой лидер” журналининг ёзишича, Тошкент шаҳри Миробод туманида жойлашган “Miran International” меҳмонхонада ходими-га иш жойида жойнамоз сақлагани учун энг кам иш ҳақининг 150 баробари (14,5 миллион сўмга яқин, расмий курс бўйича 6,5 минг доллар) миқдорида жарима солинган.

Маҳаллий ОАВнинг маълум қилишича, январ ойи бошларида

“Ўзавтосаноат” акционерлик компанияси Самарқанд вилоятида осма ва тиркамали техника ишлаб чиқаришга ихтисослашган UzAuto Trailer заводи қурилишини якунлади. Бу ҳақда UzDaily нашри хабар беради.

Завод ўзининг маҳсулотини JV MAN Auto — Uzbekistan МЧЖ қўшма корхонасига етказиб беради.

## САМАРҚАНДА СОЛИҚ ТЎЛАМАЙДИГАН ФИРМА \$31 МЛН.ГА ЗАВОД ҚУРДИ

Лойиҳанинг нархи \$31 млн.ни ташкил этади. “Ўзавтосаноат” акционерлик компаниясининг 100 фоиз шўба корхонаси ҳисобланган UzAuto Trailer заводи кузов ва полуприцеплар, контейнеровозлар ва бошқа махсус техника маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Корхонанинг лойиҳасида кўрсатилган куввати 2000 дона тиркамали ва 1000 дона осма техникани ташкил этади.



Ўзбекистонда Coca-Cola Ichimligi Uzbekiston компаниясининг икки топ-менедери ҳибс этилди.

Бу ҳақда Бош прокуратурадаги манбабига таяниб France-Presse агентлиги хабар тарқатган.

Маҳбусларнинг исми ва эгалланган лавозими айтилмаган. France-Presse нинг билдиришича, улар де-

“Miran International” меҳмонхонасига тўсатдан кучишларга тизим ҳодимлари бостириб, тингув ўтказган.

Мавжуд тахминлардан бири, уларнинг мақсади меҳмонхонадан фоҳиша аёлларни мижозлари билан ушлаш бўлган, аммо ҳеч қандай фоҳишани топа олмаган. Қуруқ келиб қуруқ қайтишни истамаган ме-

## ЖОЙНАМОЗ УЧУН \$6.500 ЖАРИМА

лисалар меҳмонхона бўлмаларининг бирида жойнамоз топиб олишган, ва ўша жойнамозни ашёвий далил сифатида ишга тиркаб, жинойий иш очишган.

Бу жойнамозни бир муддат олдин меҳмонхона ходимлари ижарачилар унутиб қолдирган – меҳмонхона ходимлари бу жойнамозни эгаси талаб

Эслатиб ўтамыз, JV MAN Auto-Uzbekistan қўшма корхонаси 2009 йил 9 августда қурилган, унинг таъсисчилари «Ўзавтосаноат» акционерлик компанияси ҳамда Германиянинг MAN Truck & Bus AG компанияси.

JV MAN Auto-Uzbekistan 50га яқин турдаги юк автомобили ва махсус техника воситалари (самосвал, мусоровоз, миксер, цементовоз ва

қилиши эҳтимоли билан, йўқотилган буюмлар рўйхатига, махсус журналга киритиб қўйишган эди.

Шунга қарамасдан, мелисалар меҳмонхонадаги бирортасини жазолашга қарор қилишган.

Эртаси куни Миробод туманлараро суди бу ходимни ЭКИХ 150 баробари миқдорида жаримага тор-

тишга ҳукм қилди. Берилган шикоят аризасини кўриб чиққан шаҳар суди, ўзи чиқарган ҳукмни ўз кучида қолдирди.

Миробод туманлараро суди ЎзЖКнинг айнан қайси моддаси бўйича жойнамоз сақлаш жинойят эканлигини маълум қилмаган.

UZBEK.FM



Бундан ташқари, немис фирмаси мамлакатда олиб қираётган товарлар учун бож тўловларини ҳамда Молия вазирлиги қошидаги Республика йўл фондига тўланадиган мажбурий тўловлардан бирортасини тўламайди.

Айни пайтда, бюджет тақчиллиги боис, ҳукумат сўнгги йилларда ижтимоий ёрдам тизимига ўзгартишлар киритиб камдаромад, серфарзанд ва ўта муҳтож оилаларнинг кўпчилигига нафақа тўламай қўйган. Пенсияларнинг нафақаларини қайта ҳисоблаш натижасида эса қарияларнинг кўпчилиги давлатдан қарз бўлиб қолган.

UZBEK.FM

ш.к.) ишлаб чиқаради. 2010 йилда завод 480 техника воситаси ишлаб чиқарган, 2011 йилда – 658, 2012 йилда эса – 1000 дона юк машинаси ва махсус техника воситаси чиқариб сотган.

2014 йилга келиб эса, ҳукуматнинг махсус қарори билан JV MAN Auto – Uzbekistan компанияси 2017 йил 1 январигача Ўзбекистон ҳудудидаги жорий барча солиқлардан озод этилган.

кабр ойи охирларида қўлга олинган. Уларга қарши “Фирибгарлик” айблови қўйилган, дастлабки тергов натижаларига кўра, улар Coca-Cola Ichimligi Uzbekiston компаниясига те-

1993 йилда қўшма корхона таъсис этган. Бугунги кунда Coca-Cola Ichimligi Uzbekiston компаниясининг 42,9% акцияси Америка тарафига, қолган 57,1% акция эса Muzimpex ширкатига

## ЎЗБЕКИСТОНДА СОСА-COLA РАҲБАРЛАРИ ҲИБС ЭТИЛДИ

гишли 12 миллион доллар нақд пулни ўзлаштирган, бундан ташқари 4,6 миллион доллар миқдордаги шакар маҳсулотига доир ҳужжатларни ҳамда 9 миллион долларлик молиявий ҳисоботларни сохталаштирган.

Ушбу қонунбузарликлар 2010-2013 йилларда содир этилган.

Coca-Cola Ўзбекистон тарафи билан

тегишли. 2013 йилда Фарғона ахборот агентлигининг билдирган маълумотларига кўра, Coca-Cola фаолиятдан тушган 49% даромад Rockdale ва Muzimpex ширкатлари орқали Гаяне Авакян исмли шахс ҳисобига тушади. Бу шахсни Гулнора Каримованинг “ўнг қўли” дейишади.

UZBEK.FM



Ўзбек-қозоқ чегарасидаги “Қоплонбек” назорат-ўтказиш пунктидан ўтган аёлларни жинсий алоқага зўрлаган ўзбек божхона ходимлари устидан ички текширув олиб борилмоқда.

Озодликнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасидаги ишончли манбасининг хабар қилишича, тилга олинган чегара масканида хизмат қилиб келган божхона ходимларининг ғайриқонуний ҳаракатлари бўйича шу кунда текширув ўтказилмоқда, бир неча ходим эса жавобгарликка тортилган.

Озодликка маълум бўлишича, “Қоплонбек” («Қоплонбек») Қозоғистонга қарашли пост. Воқеа Ўзбекистонга қарашли «Навоий» постида бўлган. Лекин воқеа бўлган жойни кўпчилик «Қоплонбек», деб билгани учун мақола охиригача «Қоплонбек», деб ишлатамиз) божхона постида хизмат қилган ўзбекистонлик камида 5 божхона ходими хизмат ваколатларини суиистеъмол қилган ҳолда бир неча ой давомида Қозоғистондан атир-упа ташийдиган тужжор жувонлар билан божхона пости биносининг иккинчи қаватидаги махсус хонада жинсий алоқа қилган.

Бунинг эвазига ўзбек божгирлари савдогар аёлларга контрабанда-молини чегарадан бехатар олиб ўтиш имконини яратиб берган.

Озодлик ихтиёридаги маълумотларда божгирлар савдогар аёлларга маънавий-руҳий босим ўтказиш йўли билан уларни жинсий алоқага мажбурлаганлиги эҳтимоли катта эканлигига ишоралар кўп.

Маълум бўлишича, божгирлар савдогар аёлларга “ё молларингизни мусодара қилиб, жаримага тортамиз ёки сен билан айш-ишрат қиласан”, дея талаб қўйишган.

“Қоплонбек” чегара постидан кунора мол олиб ўтадиган ва ўзини Зокиржон, деб таништирган тошкентлик тадбиркор йигитнинг Озодликка айтиб беришича, кўп ҳолатларда аёллар божхона ходимлари билан жинсий алоқа қилишга мажбур бўлишган:

- Қозоғистондан атир-упа олиб келиб тижорат қиладиган қиз-жувонлар молидан айрилиб қолишдан қўрқиб божгирлар

билан ҳамтўшак бўлишга рози бўлишмоқда. Чунки уларнинг моллари мусодара қилиниши мумкин. Шунинг учун тадбиркор аёллар ихтиёрий-мажбурий тарзда жинсий алоқа қилишган. «Қоплонбек»нинг Қозоғистон тарафида конфет, атир-упа сотадиган дўконлар бор.

Атрофдаги қиз-жувонлар ўша дўконлардан Ўзбекистонга нарса олиб келиб сотишади. Қозоқ божгирлари индамайди, аммо ўзбек божгирлари уларни қаттиқ текширади.

Олган нарсасини нархи 10 доллардан ошган бўлса дарров баённома тузишади. Аёлларни қийин-қистовга олишади, дейди Зокиржон.

Зокиржон божхонадаги секс скандалга аралашган божгирлар-

бу ҳолатнинг даҳшатли эканлигини, дейди суҳбатдош.

Озодлик мухбири “Қоплонбек” чегара постида ўзбек божгирлари қиз- жувонларга жинсий зўравонлик қилдими? деган саволни Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати вакилига берди.

Хизматнинг ўзини Хуршид, деб таништирган вакили саволимизга жавобан «Божхонага оид барча саволларингизга жавобларни расмий сайтимиздан топасиз», деган жавоб билан чекланди.

Қўмита сайтида биз ўрганаётган мавзуга оид янгилик топа олмадик.

“Қоплонбек” чегара постидан йилига 23 мингга яқин автомобил ва ўн минглаб йўловчи ўтади.

Ўзбек-қозоқ чегарасининг уму-

## ЧЕГАРАДАН ЎТАЁТГАН АЁЛЛАРНИ БОЖГИРЛАР ЖИНСИЙ АЛОҚАГА ЗЎРЛАГАН

нинг исм шарифларини ҳам Озодликка билдирди.

Бу исмларни одоб юзасидан ҳозирча очикламасликни маъқул кўрдик.

Табиийки, Зокиржон махсус хонада эркак (божгир) ва аёл (тужжор) ўртасида бўлиб ўтган жинсий алоқа(лар)ни қаердан билади, деган савол туғилади.

Озодликнинг бу саволига Зокиржон бу ҳақда унга жинсий алоқага мажбурланган аёллардан бири шахсан айтиб берганини айтар экан, ўша аёлнинг телефон рақамларини ҳам берди.

Биз аёл билан ҳозирча боғлана олмадик, лекин Зокиржон билан ўтказилган қарийб 1 соатлик суҳбат давомида унга битта саволни 3-4 шаклда бердик ва бир хил жавоблар олдик.

Суҳбатдошга кўра, “Қоплонбек” божхона пости ходимлари бинонинг иккинчи қаватида ташкил қилган “ишратхона”да рўй берган воқеалар видеотасвирга олиниб, Ўзбекистон миллий хавфсизлик хизматида етказилганидан кейин текшир-текшир бошланиб кетган:

- Бундан икки кун бурун қаттиқ текширув бўлиб, уч-тўрт божхона ходимини ишдан бўшатишди. Уларнинг аёллар билан бирга бўлгани видеога тушиб қолган экан, ўша видео боис қаттиқ тафтиш бўлди. Муаммо шуки, бу ҳолат божхона постида иш пайтида юз берган.

Ишдан кейин ёки дам олиш кунни эмас. Аёллар божхона ходимлари тарафидан жинсий зўрланган. Болачақасини боқаман, деб чиққан аёллар сексга мажбурланган, тушуняпсизми

мий узунлиги 2 минг 300 километрни ташкил қилган ҳудудда 16 та божхона пости фаолият кўрсатади.

Озодлик билан суҳбатлашган баъзи ўзбекистонликлар бу божхона масканларида камситиш ва таъмагирликка дуч келганини айтишди.

Ўтган иилнинг октябрь ойида ижтимоий тармоқларда тарқалган бир видеотасвирда божхона, дея ишонилган текширув масканида ўзбек эркак мулозимининг аёлларни яланғоч ечинтириб текшираётгани акс этган.



Бу видеотасвирда Тошкент шеvasида гапирган эркак киши камида тўртта аёлни ечинишга буюради.

Бошига рўмол ўраган ва кўринишидан тужжорга ўхшайдиган 30 ёшлар атрофидаги аёл эркак мулозимнинг олдида сийнабанди ва лозимини ечади.

Айни шу тарзда 19-20 ёшлардаги бошқа уч нафар қиз ҳам мулозим олдида сийнабандини кутариб, турсигини туширади. Баъзи тасдиқланмаган иддаоларга кўра, айнан шу видеотасвир “Қоплонбек” чегара постида туширилган ва МХХ текширувида боис бўлган.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми. Боши олдинги бетда)

**ЧЕГАРАДАН ЎТАЁТГАН  
АЁЛЛАРНИ  
БОЖГИРЛАР  
ЖИНСИЙ АЛОҚАГА  
ЗУРЛАГАН**

Ўзбекистоннинг Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизистон билан чегарасидаги божхона масканларида ҳам тамагирлик ва аёлларга жинсий зўравонлик қилиш ҳолатлари борлиги айтилади.

Ўзбекистоннинг Қирғизистон билан чегарасидаги "Дўстлик" чегара постидан ўтган аёлларнинг ҳам жинсий хизмат эвазига божхона текширувидан озод қилинаётгани айтилди.

Чегарада аёлларнинг камситилишига оид тадқиқот ўтказган ва ўз исми очиқланишини истамаган ўшлик ҳуқуқ ҳимоячиси сўнгги 6 ой давомида олиб борган кузатишларига асосланиб, баъзи маълумотларни берди:

- Қирғизистондан Ўзбекистонга олтин буюмлар олиб ўтадиган бир неча ўзбек аёлнинг ҳар иккала чегарада зўрлангани ҳақида маълумотим бор. Бу аёлнинг эри, болачақалари борлигини андиша қилиб исмини айтмайман. Лекин айтадиганим шуки, чегарадаги жинсий тажовуз системага айланиб бўлди. Аёллар аввалига мажбурланади.

Қамайман, жарима қиламан, молингни мусодара қиламан деб кўрқитилади. Шу тариқа савдогар аёллар бунга ўрганиб қолади. Баъзи аёллар эса божхоначиларга ўз танасини ўзи тақлиф қилади.

Чегарадаги аскарлар, МХХ ходимлари ва санитария хизмати нозирлари бирлашиб кунора айшишратга тўлиқ оргиялар қилишади, дейди ҳуқуқ ҳимоячиси.

Қозоғистон Божхона қўмитасининг "Жибек йўли" чегара пости бошлиғи Бархан Минбоевнинг Озодликка айтишича, аёлларнинг эркак мулозимлар тарафидан текширилиши мавжуд қонунларга мутлақо зиддир:

- Аёлни аёл, эркакни эркак текшириши лозим. Бу қатъий қоида. Билишимча, бундай қоида Ўзбекистон божгирларига ҳам тегишли.

Божхона кодексига кўра йўловчини ечинтириб кўриқдан ўтказиш фавқуллода ҳолатларда, фақат бошлиқдан ёзма изн олиниб амалга оширилиши керак.

Бундай ҳолатда фуқароларнинг инсоний қадр-қиммати ҳурмат қилиниши керак, дейди Қозоғистон Божхона қўмитасининг "Жибек йўли" чегара пости бошлиғи Бархан Минбоев Озодлик билан сўхбатда.

**ozodlik.org**

2013 йилнинг 11 ноябри куни тахминан соат 24 лар агрофида маҳалла раисининг ўринбосари Бахмал Ҳайдарова ва бир нотаниш эркак уйимиз олдига келиб, темир дарвозамизни тақиллатишган. Бунга жавобан келиним Наргизанинг кўча томонга қараган деразани очиб:

— Сизларга ким керак, ким-сизлар? — деган саволига Бахмал Ҳайдарова:

— Қайнатангизни чақириб кўйинг, у кишига айтадиган муҳим гапимиз бор, — деган жавобни берган.

**ВАСВАСА**

Келиним уларнинг илтимосини бажаришнинг имкони йўқлигини, мен ўзимни ёмон ҳис қилиб, дори қабул қилиб уйкуга кетганлигимни айтгач, улар:

— Ҳа, майли, ундай бўлса, эртага келамиз. Қайнатангизга айтинг, уйда бўлсинлар, — деб қайтиб кетишган.

Дарҳақиқат, ўша кеча яра ошқозоним қаттиқ оғригани учун оғриқни қолдирадиган ҳамда уйкуни келтирадиган дориларни ютиб, эртароқ ётиб ухлаб қолган эдим.

Бу ҳақда 12 ноябр куни эрталабки нонушта пайтида келиним Наргиза сўзлаб берди.

Улар пиёдамиди? деган саволимга келиним:

— Йўқ, улар енгил машинада келишган эди, — деди.

— Улар неча киши эдилар? деган кўшимча саволимга келиним:

— Мен деразани очиб қараганимда, Бахмал опа билан бир эркак киши машина олдида туришган экан. Кўча қоронғи бўлгани учун машинанинг ичи кўринмаса-да (ўша кеча маҳаллада электр бўлмаган), назаримда, машина ичида яна кимдир бор эди. Чунки Бахмал опа машина ичкарасига қараб гапирар эди, — деди менга жавобан.

Эрталабки нонуштадан кейин уларни соат 9 гача кутдим, келишмади. Сабрим тугади, чунки тезроқ улар ннга кеча ярим тунда меникига келиб оиламни безовта қилишганини билишни истардим.

Шунинг учун ҳам менинг уйимдан унчалик узоқ бўлмаган масофадаги Бахмал Ҳайдарованинг уйига бориб у билан шахсан учрашишга қарор қилдим.

У билан ҳовлисининг дарвозаси олдида учрашарканман, саломалиқдан сўнг, ундан кеча тундаги меникига ташрифи ва кимлар билан келгани ҳақида сўрадим. У эса менга жавобан бундан бир ойча муқаддам Самарқанд шаҳрида бир канча АЁҚШлари ва хашаматли

ресторанлари-гўйхоналари бўлган ўта бадавлат эр-хотинни ўз уйларида ўлдириб кетишганини, шаҳарнинг қайсидир истироҳат боғида кимдир ўзини портлатганини, ички ишлар ходимлари эса бир-бирига боғлиқ бу икки жиноят излари Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрига етаклаётгани аниқлаганини айтди.

Маҳалла участка нозири Ўткир билан маҳалла хонадонларидан кимлар ўша шаҳарда мардикорликда бўлса, уларнинг оиласи билан учрашиб суҳбат ўтказишга чиққан эдик, жумладан, кеч бўлса ҳам, сизнинг ҳам оилангизни безовта қилишга тўғри келди. Чунки, билишимча, сизнинг ҳам икки ўғлингиз Россияга ишлагани кетишган, деди.

Биринчидан, менинг ўғилларим Петербург шаҳрида эмас. Иккинчидан, улар бекорчилар эмас, оғир меҳнат билан, оз бўлсада, пул топиб оиласини боқаяпти, бўлиб ўтган воқеаларнинг нима алоқаси бор? деб эътироз билдирдим. У эса:

— Биламан, ўғилларингиз тарбияли, эсли-хушли, меҳнаткаш болалар, оилангиз ҳам намунали.

Шунинг учун ҳам сизларникидан қайтаётиб Ўткиргга оилангиз тўғрисида сўзлаб бердим. У эса Равшан аканинг оиласи сиз таърифлагандек бўлса, эртага келмаймиз, деди. Бугун эрталаб сизникига бормганимизнинг сабаби ҳам шунда. Кеча эса сизникига Ўткирнинг кистови билан борган эдим, чунки унга бошлиқларидан шундай топшириқ бўлган экан, деди айёрлик билан.

Сездимки, у билан ортиқча гаплашиб ўтириш ёки ниманидир сўраш фойдасиз. Шунинг учун у билан одоб доирасида хайрлашиб ортга қайтдим.

Қатта серкатнов кўчадан ўзим яшайдиган тор кўчага буриларканман, йўлнинг нариги бетида бизнинг кўча рўпарасидаги гўшт дўкони яқинида турган 30L368HA давлат рақамли бегона DAMASга кўзим тушди. Балким гўшт харид қилиш учун тургандир, дедим ҳаёлан. Аммо негадир кўнглим ғаш эди. Кўчадан ҳовлимиз томон буриларканман, ортимга қарадим. Боя DAMAS ичида ўтирган кимса машина олдида мен томон қараб турар эди.

Сиёсатдаги фаолиятим даврида кўп марта кузатувда бўлганим боис сезгир бўлиб қолган эканманми, ҳаёлан нахотки, мени кузатаётган бўлишса, нима учун, нима сабабдан, деган саволларни кўнглимдан ўтказиб ҳовлига кирдим.

(Давоми кейинги саҳифада)

*(Давоми. Боши олдинги бетда)*

Уйда кийимларимни алмаштириб, тахминан бир соатча мол-ҳолга қардим, у-бу ишлар билан банд бўлдим. Ишларим тугагач қайта кийиниб маҳалла чойхонасида кўшнилари билан гурунглашиш мақсадида кўчага чиқдим. Биринчи бўлиб эътибор қаратганим DAMAS автомашинаси бўлди. Чунки турган жойидан жилмаган эди.

Секин-аста юриб гўшт дўконига яқинлашдим. Дўкон сохиби билан салом-алиқдан сўнг унга секингина DAMASни кўрсатиб унинг қачондан бери турганини сўрадим.

У эса менга жавобан бугун дўконига жуда эрта келганини, машина эса эрталаб соат 7 лар агрофида келиб тўхтаганини, тахминича бу машина милицияга тегишли эканлигини айтар экан, «нимадир содир бўлганга ўхшайдиёв», деди.

Унинг айтиши ва менинг гумоним шунчаки бир фараз эди. Шундай бўлса-да эҳтиёт бўлиш керак деган қарорга келдим.

Бу орада сафимизга кўшним Ғофур ака келиб қўшилди. У киши билан саломлашиб, сўрашиб бўлгач, DAMASни кўрсатиб, маҳалла учун бегона машина эканлигини айтиб, ҳукумат, радио-телевидение орқали фуқароларни бундай вазиятда эътиборли бўлишга чақираётганини писанда қилдим. Ғофур ака гапимни маъқуллаб,

— Тўғри айтасиз, юринг, бирга бориб ҳайдовчидан нега тўхтаб тургани сабабини сўраймиз. Керак бўлса милицияга хабар қиламиз дедилар.

Биргаликда DAMAS олдида турган ҳайдовчига яқинлашдик, саломлашдик ва бу ерда тўхтагани сабабини сўрадик. Ҳайдовчи юмшоқ оҳангда бизга жавобан машина бензини тугаб қолганини, ёнидаги шериги бензин олиб келиш учун қаёққадир кетганини айтди.

Ғофур ака маҳалладаги ҳовлилардан бирида бензин сотилишини айтганда ҳайдовчи пулим йўқ деб жавоб қайтарди. Шунда Ғофур ака менга юзланиб секингина:

— Ҳаттоки бензин олишга пули йўқ экан, нима қилар эди машина рулига ўтириб, — деди ўзбекона соддалик билан. Унинг соддалигидан менинг кулгим қистади. Сал четроққа чиқдим.

Сездимки, DAMAS ҳайдовчисининг бу ердан кетгиси йўқ. Билдимки, у мени кузатиш учун шу ерга қўйилган.

Демак, у билан ортиқча гаплашиб туришнинг ҳам фойдаси йўқ. Машинасидан узоқлашдим. Ҳовлига қайтдим.

Ҳовлига келгач, мол-ҳолга қардим. Нон ёпишни режаллаган уйимиз бекасига ёрдамлашиб тандирга ўтин қаладим ва рўзғордаги бошқа ишларни бажардим. Нон пишгач оилам билан ўтириб тушлик қилдим.

Тушлик тугагач уйга кириб бир оз дам олмоқчи эдим, аммо фикримдан қайтдим. Сафдош дўстларимга кўнғироқ қоқиб уларнинг аҳолидан хабар олишга қарор қилдим.

## ВАСВАСА

Бирин-кетин кўнғироқ қилган эдим сафдош дўстларнинг барчаси милиция ходимлари келиб, улар билан шунчаки учрашиб, тайинли бир гап айтмай қайтиб кетганларини айтишди.

Устоз Холикназар акага ҳам кўнғироқ қилдим. Саломлашдик, хол-аҳвол сўрашдик. «Домла, сизларда тинчликми?» деб сўрадим.

«Тинчлик, Оллоҳга шукр, тинчлик» дедилар у киши қайта-қайта. Демак, устозни ҳеч ким безовта қилмаган.

Холикназар ака билан хайрлашгач ўйланиб қолдим. Модомики, сафдош дўстларимни милиция ходимлари безовта қилган экан, демак уларнинг пайтаваларига қурт тушиб питирчилаб қолишларига қандайдир сабаб туртки бўлган бўлиши мумкин. Қандай сабаб? Балким ЭРК партиясининг ўтказилиши мўлжалланаётган қурултойини (ўша кунлари қурултойни қачон ва қаерда ўтказилишини ҳаттоки ўзим ҳам билмасдим) сезиб қолишгандир ёмики ҳукумат 1999 йилдаги 16 феврал, 2005 йилдаги Андижон фожеасига ўхшаш галдаги ўйинни ўйлаб топдимкин, дедим ўзимча.

Нима бўлганда ҳам, ЭРК партияси аъзолари ортидан қаттиқ назорат ўрнатилганига узил-кесил ишонч ҳосил қилдим.

Бундай ўйин нима билан тугаркин деган ҳаёл билан кўчага чиқдим. Биринчи бўлиб эътибор қаратганим гўшт дўкони томон бўлди. DAMAS машинаси кўринмасди. Унинг ўрнида бошқа бир енгил автомашина турарди.

Машина томон яқинлашиб бордим. Давлат рақами 30D126FA бўлган оқ рангли NEXIA мени кўриши билан жўнаб қолди. Ва тахминан 200 метрлар юриб тўхтади.

Тахминимча, машина ичида ўтирганлар ўзларини кўрсатишни истамасди. Ёинки мен уларни таниб қолишимдан ўзларини олиб қочишган.

Эрталаб гўшт дўкони олдида кўрганим DAMAS эса кўчанинг

Панжакент кўчаси билан кесишган қисмида турарди.

Кўшнилари орқали мен яшайдиган кўчанинг охирида ҳам 30J785JA рақамли ЖИГУЛИ маркали бегона машина турганини аниқладим. Хулласки, қоронғу тушиши билан кузатувчи машиналар сони ҳам ортиб борди. Айниқса мен яшайдиган кўча серкатнов бўлиб қолди. Ҳаттоки бизнинг кўчага туташ ва параллел кўчаларга ҳам кузатувчи машиналар қўйилди.

Уйимизнинг бир хонасидаги деразадан кўча бир мунча яхши кўринади. Тахминан соат 24 ларда ўша хонага ўтдим. Дераза олдида кўрпача тўшаб иягимни дераза тоқчасига қўйиб ўтирганча, кўчани кузата бошладим. Ҳар 10-15 дақиқада машина ўтиб қайтар эди... Кўчани қанча вақт кузатганимни эслай олмайман, кундузги воқеалар сабаб, чарчоқ туфайли, пинакка берилибман.

Бизнинг дарвозага тарақа-туруқ тош отилишидан уйғониб кетдим.

Хушёр тортиш учун бошимни бир неча бор силкитиб кўчага қардим. Ёниқли чироқларини бизнинг уй томон қаратган ҳолда машина турганини кўрдим. Чироқларининг ўта ёруғлигидан машина ёнида, ичкарисидида ҳам ҳеч нима кўринмас эди. Яхшироқ қараш мақсадида деразани очган эдим машинадагилар менинг ҳаракатимни кузатиб туришган бўлсалар керак, чаққонлик билан жўнаб қолишди. Орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас бошқа бир машина ёкимсиз бир хорижий кўшиқни баланд овозда қўйиб ўтиб кетди.

Орадан тахминан ўн дақиқа ўтиб яна бир машина бизнинг уй олдида ўтаркан, кимдир машина ичкарисидан баланд овозда «онангни» деб сўқинди. Сўқинишни эшитиб ташқарига отилдим. Дарвоза томон юра бошладим. Аммо дарвоза олдида боргач тўхтаб қолдим. Негаки, кўчага чикмаслигим кераклигини англадим. Чунки дарвозага отилган тошлар, ҳақоратлар менга қарши уюштирилган шантаж эканлигини, агарда кўчага чиксам қандай оқибатларга олиб келишини тасаввур қилдим.

Уйга қайтдим. Ечиниб кўрпачага ёнбошладим. Ҳаёлга берилибман. Қанча вақт ҳаёл сурганимни эслолмайман, хонага хотиним кириб келди. У менга қараб:

— Нима бўлди сизга, ҳалиям ухламабсиз, бирор ерингиз оғрияптими, балким дори ичарсиз? — деди.

— Йўқ, дори керакмас. Кўчадаги шовқин-сўрондан, сўқинишлардан уйқим қочди, эшитмадингми? — дедим.

*Давоми келгуси сонда*

2014 йилнинг илк кунлари Ўзбекистон МХХ хизмати раиси Рустам Иноятов томонидан уюштирилган баъзи “сюрприз”лар билан бошланди. Ҳаммаси ҳақида муҳимлик даражасига кўра бир четдан баён қиламиз. Шундай қилиб...

### Ҳокимиятни Тошкент аймаги вакилларида тозалаш

2014 йил 6 январь куни Ўзбекистон МХХ раиси Рустам Иноятов “идора”нинг марказий аппарати, Тошкент шаҳри ва вилоят бошқармаларига ёпиқ топшириқ бериб, “давлат ҳокимиятининг олий, ўрта ва ҳудудий бўғимларида Тошкент шаҳрида туғилиб ўсган амалдорларни зудлик билан аниқлаш ва ишдан бўшатиш ҳақида” кўрсатма берди.

Тошкентлик “элементлар”ни аниқлаш ишлари вазирларнинг режим ва хавфсизлик бўйича ўринбосарларига юкланган бўлиб, улар бевосита “идора”нинг ўзига бўйсунушади.

“Идора” раисининг норасмий топшириғини бажариш энди-энди бошланаётган бўлса ҳам, баъзи иноятовпараст кадрлар кўрсатманинг илк босқичини амалга оширишга киришиб кетишди. Ана шундай амалдорлардан бири Тошкент вилояти ҳокими Аҳмаджон Усмоновдир. Ушбу мулозим пойтахт вилояти ҳудудида жойлашган олий ўқув юртининг ректорларини йиғиб, институт ва университетларни тошкентликлардан тозалашни буюрди. А.Усмонов худди шундай топшириқ билан маҳаллий ҳокимият амалдорларига ҳам мурожаат қилди.

Ўзбекистондаги куч-қудрати ортиб бораётганини ҳис қила бошлаган МХХ раиси Рустам Иноятов воқеалардан илгарилаб кетиб, мамлакатдаги сиёсий ҳокимиятни ўз қўлига олиш учун ўзига хос ҳужум уюштиришга қарор қилган кўринади. Бизнингча, ушбу тозалаш кампаниясининг якуний нишони Ўзбекистон молия вазири Рустам Азимов бўлиши керак. Ўзбек махсус хизматлари раҳбарининг фикрига кўра, Азимов ўзбек “чекистлари гвардияси”га республикадаги сиёсий ҳокимиятни эгаллашга ҳалақит қилиши мумкин.

МХХ раисининг хавотирларига кўра, Азимовни ҳокимият тепасига Ғарб ҳукуматлари, айниқса АҚШ ҳукумати олиб келиши мумкин. Афтидан, Иноятов ҳозирги молия вазирини мансабдан четлатиш режаси учун олдиндан замин яратишга ва тошкентлик Азимов “идора” режаларига зид равишда иқтидорга келадиган тақдирда ҳокимият тузилмаларини тошкентликлар босиб кетишининг олдини олишга қарор қилган кўринади. Ўзбек

махсус хизматлари раҳбарининг янги йилдаги энг асосий “сюрпризи”, бизнингча, шу билан изоҳланади.

Бироқ Ўзбекистондаги сиёсий ҳокимиятни эгаллашга жиддий равишда киришган Рустам Иноятов фақат молия вазири Рустам Азимовдан ва уни қўллаб-қувватлаши мумкин бўлган тошкентликлардан хавотир олаётгани йўқ. Шундай қилиб...

### “Чиқувчи” фуқароларни

## У.ҲАҚНАЗАРОВ: РУСТАМ ИНОЯТОВНИНГ ЯНГИЙИЛ “СЮРПРИЗ”ЛАРИ

### “ов”лаш

Ўзбекистон МХХ раиси мамлакатдаги сиёсий ҳокимият тақдири ҳақида қаттиқ қайғураётганидан далолат берувчи яна бир ҳужжат “идора”

раиси томонидан 2014 йил 3 январь куни чиқарилган “Вазирликлар, муассасалар ва бошқа давлат идоралари раҳбарлари ҳамда мансабдорлари оила аъзоларининг Ўзбекистон ташқарисига чиқиши мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида”ги топшириқдир. Энди давлат идораларида ишлайдиган амалдорларнинг қариндошлари Ўзбекистондан ташқарига чиққудек бўлсалар, мулозимлар ўз қариндошларининг бу “жиноят” учун “идора” олдида жавоб берадилар.

Олдинроқ, яъни 2013 йил декабрь ойида, мамлакат ташқарисига чиқадиган оддий фуқароларга нисбатан ҳам “идора” худди шундай топшириқ берганди. Хусусан, чегара назорат пунктлари, МХХнинг ҳудудий бўлимларига фуқароларнинг мамлакат ташқарисига қилган ҳар бир чиқишини қайд қилиб, бу ҳақида маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идораларига хабар бериш тўғрисида буйруқ берилганди. Бундан ташқари, “чиқувчи” фуқаролар билан бошқа давлатларга қилинган сафарлар ҳақида суҳбатлар ўтказиш милиция идораларига юклатилганди.

Дарвоқе, декабрь ойидаги буйруқнинг имзоланишига Сурхондарё вилояти Денов туманидаги баъзи воқеалар сабаб бўлганди. 2013 йил 17 декабрь куни Денов посёлкасида истиқомат қилувчи фуқароларнинг бир гуруҳи электрэнергиясининг мунтазам ўчирилишига қарши норозилик билдириб, туман Электр тармоқлари идораси биносига ва марказий электрстанцияга ўт қўйиб юборишади. Бунинг натижасида бино ёниб, марказий электрстанциясидаги асосий трансформатор портлаб кетади.

Ушбу воқеа ҳақидаги миш-мишлар фақат Сурхондарё вилояти маъмурий маркази Термиз шаҳригача эмас, балки Ўзбекистон пойтахти Тошкентгача

тез етиб боради. Эртасига, яъни 2013 йил 18 декабрь куни, Деновга республика МХХ ва ИИВдан терговчилар жўнатилади. Деновга келгач, улар яқинда чет элдан келган фуқаролардан ёнғин ва портлаш ташаббускорлари сифатида гумонлана бошлашди.

Ҳозирги кунда ўндан ортик маҳаллий фуқаро ва Россия фуқароларидан бир нафари МХХ ва ИИВ терговчиларининг норасмий гу-

мони остида қолишмоқда.

Шу куни, яъни 18 декабрь куни, президент Каримовга “хавотирларга зид ўларок Деновда кўпуровчилик амаллари ёки қўшни давлатлардан бостириб кириш ҳолатлари аниқланмади.

Денов тумани электр тармоқлари идораси биносининг ёқиб юборилиши ва марказий электрстанциясининг портлатилиши туман аҳолисини электрэнергияси билан таъминлашда йўл қўйилган узилишларга қарши норозлик сифатида маҳаллий аҳоли томонидан уюштирилган”лиги ҳақида ҳисобот берилди.

Бироқ бу хабар газабланган президентни тинчлантормади. Эртасига, яъни 2013 йил 19 декабрь куни, Каримов Термизга келиб, Нормўмин Чориевни Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимидан бўшатишди.

Қизиғи шундаки, ушбу муносабат билан ўтказилган вилоят Халқ депутатлари кенгаши сессиясида президент Каримов собиқ ҳокимни вилоят аҳолисига электрэнергияси етказиб беришдаги мунтазам узилишлар учун эмас, балки Денов тумани аҳолисининг норозилик амалига йўл қўйгани учун танқид қилди. Ушбу йиғилишда Каримов Чориевга шундай ташладики, гўёки 2011 йилда Чориевни Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига президентнинг ўзи эмас, балки президентнинг душманлари ёки рақиблирдан бири тайинлагандек таассурот уйғонди.

2013 йил 20 декабрь куни эса Рустам Иноятов президентнинг олдида кириб, Ўзбекистон фуқароларининг бошқа мамлакатларга чиқиш ҳолларини қайд қилиш ишларини бошлаш учун рухсат олди.

Рустам Иноятов ва у бошчилик қилаётган “идора”нинг ушбу ҳатти-ҳаракатлари иноятовчилар “чиқувчи” фуқароларни нафақат Каримов ҳукуматига нисбатан, балки Ўзбекистондаги сиёсий ҳокимиятни осойишта эгаллашга нисбатан ҳам таҳлика деб билаётганидан далолат беради.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Шу билан биргаликда, Иноятлов ва унинг “идора”си Гулнора Каримовани сиёсий жиҳатдан фалажланган шахс ҳисобласа ҳам, президентнинг тўнғич кизини нишонда саклашни унутмаяпти. Шундай қилиб...

Гулнора Каримовага қарши урушда иштирок қиладиган журналистлар ва нашрлар Ўзбекистон МХХ раиси 2014 йилнинг илк кунларидан бошлаб, ўзининг биринчи ўринбосари Шухрат Ғуломовга президентнинг тўнғич кизи Гулнора Каримовага қарши ихборий курашни фаоллаштиришни буюрди.

Хусусан, ўзбек махсус хизматларининг раҳбари ушбу ишга Ўзбекистон ташқарисида ҳамда ичкарасида танилган “мустақил” интернет-нашрларни жалб қилиш ҳақида топшириқ берди.

Ўз хўжайинининг топшириғини бажаришга киришган Шухрат Ғуломов Гулнора Каримовага қарши бошланган ихборий курашда янги фронт очиш учун бир қатор интернет-нашрларни танлаб олди.

Ушбу иш учун бир нечта рус, қозоқ, қирғиз ва озарий сайтлар билан биргаликда Ўзбекистон МХХ йўриғидаги қатор “мустақил” ва “муҳолиф” интернет-нашрлар, шу жумладан, Narakat.Net, Zamondosh.Com, Milliyburch.Com, Uzmanet.Com ва бошқа сайтлар саралаб олинди.

Шундай экан, 2014 йилда ушбу сайтлар Гулнора Каримовага қарши Ўзбекистон МХХ кабинетларида ёзилган материалларни эълон қилишда фаоллик кўрсатиши кутилмоқда. Шундай қилиб...

**Сўнгсўз**

Рустам Иноятлов Ўзбекистон президенти лавозими учун қаттиқ курашаётганини ҳисобга олсак, 2014 йил кизиқарли бўлиши кутилмоқда.

Агар ўзбек махсус хизматлари раҳбари ўзининг барча режаларини амалга оширса, жорий йилда ҳокимият тузилмаларининг тошкентликлардан тозаланишига ҳам, “чиқувчи” фуқароларнинг устидан ўрнатилган назоратнинг кучайишига ҳам, молия вазири Рустам Азимовнинг “қулаши”га ҳам, Гулнора Каримованинг ихборий “йўқ қилиниши”га ҳам гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Воқеалар шу тариқа ривож топаядиган бўлса, Ислоҳ Каримов ва унинг оиласи ҳам “қулаши” мумкин.

**Ахир, қасалманд Иноятлов бекор ўтирмасдан, тер тўкиб ишлаяпти!**

**У.ҲАҚНАЗАРОВ**

*сиёсатишунос*  
**2014 йил 10 январь**



Freedom House ташкилотининг бу йилги ҳисоботида Ўзбекистон яна дунёнинг “ёмонлар ёмони” 10 та давлат қаторига кирди.

## **FREEDOM HOUSE: ЎЗБЕКИСТОН – ЯНА “ЁМОНЛАРНИНГ ЁМОНИ”**

Маркази АҚШда жойлашган Freedom House ташкилоти тарафидан эълон қилинган “Дунёдаги эркинлик – 2014” (“Freedom In The World 2014”) ҳисоботида Ўзбекистон билан биргаликда

“ёмонларнинг энг ёмони” (Worst of the Worst) давлатлар гуруҳига 10та давлат киритилган: Марказий Африка Республикаси, Экваториал Гвинея, Шимолий Корея, Саудия Арабистони, Сомали, Судан, Сурия, Туркменистон, Эритрея ва Ўзбекистон.

Бундан ташқари, ҳисоботда Россия, Украина, Қозоғистон ва Озарбайжонда 2013 йил мобайнида сиёсий ва фуқаровий эркинликларда “жиддий ортга кетиш” кузатилгани қайд қилинган.

Freedom House нинг қайд этишича, сўнгги саккиз йил мобайнида дунё бўйлаб инсон ҳақлари ва эркинликлар борасидаги “ортга кетиш” жараёни давом этмоқда.

**UZBEK.FM**

Human Rights Watch халқаро инсон ҳақлари ташкилоти ўзининг 2014 йилги ҳисоботида Ўзбекистондаги ҳуқуқ ҳимояси билан боғлиқ вазиятни “ўта ёмон даражада” дея баҳолаган, мамлакат ҳукуматини эса “тоталитар” дея атаган.

Human Rights Watch ташкилотининг янги ҳисоботи 2014 йил 21 январда тақдим этилган, ҳисоботда инсон ҳуқуқларининг бузилиши Ўзбекистонда кенг миқёсда давом этаётгани айтилади.

Мамлакатдаги инсон ҳақлари вазиятининг мазмуни, Human Rights Watch га кўра, коррупцион фалсафага асосланган, бу фалсафани президент Ислоҳ Каримов тарғиб этиб келади. Бу фалсафага кўра ҳар қандай

Шубиланбирга, HRW ўз ҳисоботида АҚШ ва Евроиттифоқни ҳам танқид этган, улар Афғонистондаги урушда ҳамкорликка эришиш учун Ўзбекистон билан яқинлашишда давом этган. Евроиттифоқнинг Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқларига нисбатан позицияси заифлигича қолган, ЕИ ташқи ишлар вазирлари 2010 йили тавсия этган ва Евроиттифоқ томонидан қутилган ислоҳотлар Тошкент томонидан бажарилмаганидан ва вазиятнинг ёмонлашаётганидан ташвиш билдирмай келган, дейилади ҳисоботда.

Жумладан, ЕИ ташқи ишлар ва ҳавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Кэтрин Эштон 2012 йилнинг ноябрида Тошкентга келди, бироқ инсон ҳуқуқлари вазиятининг ёмон-

## **HRW 2014 ЙИЛ ҲИСОБОТИ, ЎЗБЕКИСТОН: ДИКТАТУРА ЭМАС, ТОТАЛИТАРИЗМ**

мустақил фуқаролик, сиёсий, диний ва ҳатто иқтисодий фаоллик ёки ташаббус – режим учун таҳдиддир.

“Президент Каримов ҳукуматидаги сиёсий элитанинг ўзи бу сиёсий фалсафани ўзгартиришни бошламас экан, Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари аҳоли мудҳишлигича қолаверади”, – дейди Human Rights Watch эксперти Свердлов.

Ташкилот ҳисоботида айтилишича, Ўзбекистон мустақил назоратдан ёпиқлигича қолмоқда. Сўз эркинлиги қатъий чекланган. Ҳукумат ҳуқуқ ҳимоячиларини қувғин қилишда, мухожиротдаги фаолларни қўрқитишда, диний фаолияти ҳукумат белгилаган кескин доирадан чиққанларни таъқиб этишда давом этмоқда. Фуқароларни мажбурий ишлатиш, жумладан, болалар меҳнатини эксплуатация этиш давом этмоқда.

лашгани ҳақида сўз очмади.

Обама маъмурияти эса 2009 йилдан буён Ўзбекистонни НАТО юқларини Афғонистонга етказишда «шимолий транзит йўли»даги муҳим элемент сифатида кўради.

АҚШ Давлат департаментининг одам савдосига оид 2013 йилги ҳисоботида Ўзбекистон, муттасил мажбурий меҳнат қўлланадиган энг муаммоли давлатлар қаторига киритилди, бироқ Обама маъмурияти, АҚШ манфаатларидан келиб чиқиб, бу ҳолларда кўзда тутилган санкцияларни эълон қилмади.

Ўзбекистон турмаларида бегуноҳ ётган маҳкумлар орасида, бир қатор журналистлар, ҳуқуқ ҳимоячилари, муҳолифат фаоллари ва диндор мусулмонлардан иборат 33 шахс номи келтирилади ҳисоботда.

**UZBEK.FM**



## НУХ АЛАЙҲИССАЛОМ

Худ алайҳиссалом уларни Аллоҳга ибодат ва тоат, ҳаромлардан узоқ туришга даъват этса ҳам, улар уни ёлғончига чиқардилар (214).

Аллоҳу Таоло 3 йил давомида улар юртига ёмғир ёғдирмади (215). Ёмғир деб ўйлаганлари бир қора булутнинг келтиргани теккан нарсасини ёқиб кул қиладиган бир қасирға билан йўқ бўлиб кетдилар (216).

Ирам бин Сом ўғилларидан Самуд бин Обар (ва ёки Жоир), Однинг амаки ўғли уруғи Ҳижрга ерлашдилар. Аллоҳу Таоло уларга ўз уруғидан Солиҳ алайҳиссаломни пайғамбар ўлароқ юборди.

Шунингдек, Ирам бин Сомнинг яна бир ўғли Ловезнинг ўғиллари Тасм ва Жадис Емаме ва Баҳраинга ерлашдилар. Уларнинг укалари Амлик (Имлоқ) бин Ловез бўлиб, унинг уруғидан келганларнинг баъзилари Ҳарамга баъзилари эса Шомга ерлашдилар. Яъни “Амолик” деган кавмлар ўшалардан эди, ҳар ерга ёйилгандилар.

Миср фиръавнлари, Мутагаллиблар, Форс шоҳлари ва Хуросон ҳукмдорлари ўша уруғдан эди. Уларнинг укаларидан Умайи бин Ловез Форс тупроғига ерлашганди. Форсларнинг ҳар қандай тоифаси бин Ловез уруғидандир. Ирамнинг ўғли Мош Бобилга ерлашди. Мошнинг ўғли Намруд ўша ерда туғилди. Намруд Бобил минорасини курдирган ва 500 йил ҳукмдорлик қилган кимсадир (217).

Аллоҳу Таоло Иброҳим алайҳиссаломни Намруд замонида Бобил халқига пайғамбар ўлароқ юборди (218). Обир бин Шолиҳнинг ўғли Қантаннинг Ёруб ва Ёқтам исмли икки ўғли бор эди. Қанта бутун

Яманлиларнинг отаси эди ва арабчани тўғри гапирган илк одам эди (219).

Қайтаннинг ўғли Ёруб Яман тупроқларига ерлашди. У ҳам Яманликларнинг отаси эди ва арабча гаплашган киши эди (220). Ёруб фарзандлари тарафидан қиролларга хос “анъим сабоҳан” (сабоҳинг хайрли бўлсин) ва “абайталлана” (лаънатли ҳоллар рўй бермасин) дея саломланган инсонларнинг биринчиси эди.

Журҳумийлар Яманда яшар ва арабча гаплашарди. Кейин Маккага келиб, у ерга ерлашдилар. Қатуралар уларнинг амаки ўғилларидир.

Кейинроқ Аллоҳу Таоло Маккага Исмоил алайҳиссаломни ерлаштирди. Исмоил алайҳиссалом Журҳумийлардан бир қизга уйланди. Шу боис Журҳумийлар Исмоил алайҳиссаломнинг дойилари бўлишади (221).

## ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (4)

Араб ва Араб бўлмаган бутун пайғамбарлар, Яманли ва Мизорликлар, бутун Араблар Сом бин Нухнинг фарзандларидир (222).

### ХУД АЛАЙҲИССАЛОМ

**Худ алайҳиссаломнинг уруғи ва маслаги**

Худ алайҳиссалом (Обир) бин Абдуллоҳ, бин Рабоҳ, бин Ҳолуд (ва ёки Жоруд), бин Од, бин Авс, бин Ирам, бин Сом, бин Нух алайҳиссалом (га бориб тақалади) (1).

Худ алайҳиссалом Од қавми ичида ота ва она уруғидан энг устун эди (2). У тижорат билан шугулланарди (3).

**Худ алайҳиссаломнинг шакл ва шамоили ва фазилатлари**

Худ алайҳиссалом ўрта бўйли (4), қорача танли, сочи куюк (5), гўзал юзли эди. Одам алайҳиссаломга ўхшарди (6). Кучли, қувватли эди (Ҳаким. “Мустадрик”, 2- жилд, 563- саҳифа). Зухд, Такво ва ибодат аҳлидан эди. Ниҳоятда жўмард, раҳмдил эди. Йўқсилларга кўп садақа берарди (7).

Худ алайҳиссаломнинг қавми Од қавми эди.

Од қавми “биринчи” ва “иккинчи” деб иккига ажратиларди. Биринчиси Од бин Авс, бин Ирам, бин Сом, бин Нух (8). Иккинчиси Самуд бин Жоир, бин Ирам, бин Сом, бин Нух алайҳиссаломдир (9).

Исмоил алайҳиссаломдан аввалги биринчи Од қавми 13 қабиладан иборат (10) 3-4 минг кишилик бир жамоат эди.

Од, Самуд, Журҳум, Тасм, Жа-

дис, Улайм, Мадян, Имлоқ, Убайл, Жосим, Коҳтон ва Коҳтон ўғиллари каби қабилаларга “Арабуларба”, Исмоил алайҳиссалом уруғидан келган қабилаларга эса “Арабулмуस्ता-риба” дейилади (11).

**Худ алайҳиссалом қавми бўлган Од қавми Ерлашган юртлар ва бу қавмнинг ёмон ҳатти ҳаракатлари**

Од қавми Худрамавт ва Яманга қадар узанган худудлар бўлиб, Аллоҳнинг ерларидан кенг, ниҳоятда ўтли, серсув ва неъматларга мўл ерлар эди (12). Дарёлар, боғу боғчалар, сурув-сурув чорва моллари (13) ва ер ости сувлари бор эди (14). Бошқаларга берилмаган бўю баст, куч-қувват ҳам уларга берилганди (15). Улар қайсар бир зўравоннинг айтганига кириб, унга эргашдилар (16). “Дунёда биздан кучли ким бор”, дея кибрланишга (17), бузуклик,

озгинлик ва фасодни кўпайтиришга (18), халққа зулм этишга бошлади (19). Улар охират ҳаётини, ўлимдан сўнгра тирилишни инкор этдилар (20).

Сада, Самуд ва Ханна исмидаги учта бутга топиндилар (21).

**Худ алайҳиссаломнинг Од қавмига пайғамбар ўлароқ юборилиши**

Аллоҳу Таоло Од қавмига биродари Худ алайҳиссаломни пайғамбар ўлароқ юборди (22). Худ алайҳиссалом ўз қавмини ягона бўлган Аллоҳга иймон ва ибодатга даъват этди, инсонларга зулм этишдан воз кечишга чақирди, аммо рад ва инкор билан қаршилашди (23).

Шундай бўлгач, Аллоҳу Таоло 3 йил давомида ёмғир ёғдирмади (24). Од қавмини ёмғир дуоси учун Маккага бир ҳайъат жўнатишга мажбур қилди. Ёмғир ёғдиради, деб ўйлаган бир булут-қасирға билан улар йўқ қилинди (25).

**Қурони Каримнинг Од қавми ҳақидаги баёни**

Худ алайҳиссаломнинг Од қавмига юборилиши ва қавмнинг ҳатти-ҳаракатларива оқибатлари ҳақида Қуръони Каримда шу баён бор:

“Од (қавми)га уларнинг биродари Худни юбордик. У (қавмига):

- Эй қавмим, Аллоҳга ибодат этингиз, сизнинг ундан бошқа ҳеч қандай илоҳингиз йўқ (26). (Ҳали ҳам) Аллоҳдан кўркмоқчи эмасмисиз (27)? Сиз (Аллоҳга қарши) ёлғон тўқиганлардан бошқа (кимса) эмассиз, — деди (28).

(Давоми кейинги саҳифада)



*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

Қавмнинг обрўли кофир жамоати унга:

- Биз сени шубҳасиз бир миясизлик (ахмоқлик) ичида кўряпмиз, сени муҳаққак бир ёлғончи ҳисоблаймиз! — дейишди. Худ:

- Эй қавмим, менда миясизлик йўқдир, балки мен оламларнинг Робби тарафидан юборилган бир пайғамбарман. Сизга Роббимнинг ваҳий этганларини таблиғ этяпман. Мен сизнинг амин бир хайрихоҳингизман. Сизга у даҳшатли оқибатдан хабар бериш учун, ичингиздан битта одам воситаси ила Роббингиздан сизга ихтор келишига ажабланыяпсизми? Ўйлаб кўринг, У (Роббингиз) сизни Нух қавмидан кейин ҳукмдор қилди. Сизга жисмонан улардан (Нух қавмидан) ортиқроқ бўю баст (ва қувват) берди. Бу ҳолда Аллоҳнинг бу неъматларини хотирлангки, қутулишга эриша билинг, (— деди).

- Сен бизга фақат Аллоҳга ибодат этишимиз, боболаримизнинг топинганларини ташлашимиз учун келдингми? Агар сен ростгўйлардан бўлсанг, бизга таҳдид этганинг нарса (азоб)ни олиб кел-чи, — деди улар. (Худ) деди:

- Роббингиздан сизга бир азоб, бир ғазаб ҳақ бўлди муҳаққак! Ўзингиз ва боболарингиз уйдирган (бир тақим бутлар) исмлар ҳақида — Аллоҳ уларга хужжат индирмаган экан — мен билан мужодада этмоқчимисизлар?

Энди кутинглар! Шубҳасиз, мен ҳам сиз билан бирликда уни кутгувчиларданман (29). Эй қавмим, бу таблиғим учун сиздан бир маош истамайман. Менинг мукофотим мени Яратгандан бошқасига оид эмас. Ҳали ҳам ақлингиз кирмади-ми? Эй қавмим, Роббингиздан афу тиланг. Унга тавба ва ружу этингки, устингизга мўл-мўл (файзини) юборсин. Қувватингизга қувват қўшсин. Гуноҳкорлар бўлиб, юз ўғирманглар, — деди.

- Эй Худ, сен бизга очиқ бир мўжиза кўрсатмадинг, биз ҳам сенинг сўзинг билан илоҳларимиздан воз кечмоқчи эмасмиз. Сенга ишонувчилар ҳам эмасмиз (30). Сен бизни илоҳларимиз(га топиниш)дан қайтариш учун келдингми? Ундай бўлса, бизга таҳдид этаётганинг нарса — тўғри сўйлаётган эсанг — келтир бизга, — дедилар. (Худ):

- (Бунинг) илми фақат Аллоҳ қаътидадир. Мен сизга менга амр қилинган нарса таблиғ этяпман. Фақат мен сизларни билмаслар (ғофиллар) гуруҳи ўларок кўряпман (31).

Аллоҳдан кўрқинг ва менга итоат этинг. Мен чиндан ҳам устингизга (келажак) даҳшатли бир куннинг азобидан кўрқяпман, — (деди) (33). (Улар):

- Ваъз этсанг ҳам, ваъз этувчилардан бўлмасанг ҳам, бизга барибир. Бу (айш-ишратга берилиб умр ўтказиш) аввалгилардан қолган одатдир. Биз азобга учрайдиганлар ҳам эмасмиз, — дейишди (34).

## ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (4)

Унинг (Худнинг) қавмидан — дунё ҳаётида рафоҳ берганимизга қарамай, куфр (ва инкор) этган бир гуруҳ эса:

- У (пайғамбар) сиз каби башардан бошқаси эмас, сизнинг еганингизни еб, ичганингизни ичадиган биттаси. Агар ўзингиздай бир инсонга бўйсунсангиз, онг бўлсинки, мутлақо хусронга учраганлардансиз. Ўлиб, тупроққа, суякка айлангандан сўнг, сизни (тирик ўларок қабрдан) чиқарилажагингизни ваъда (ва таҳдид) қиляптими у? Таҳдид қилинаётган нарсангиз нақадар узоқ, нақадар узоқ! У (хаёт шу) бизнинг дунё ҳаётимиздан бошқаси эмасдир! Яшаймиз, ўламиз, лекин биз (қайтадан) тирилмаймиз. У (Худ) Аллоҳга қарши, ёлғон тўқиган бир одамдан бошқаси эмас. Биз уни тасдиқ етувчи эмасмиз, — деди. (Худ):

- Роббим! Мени ёлғончига чиқарганлари сабабли Ўзинг менга ёрдам қилгин! — деди. (Аллоҳ) буюрдики:

- Энг қисқа (замонда) улар, ҳар ҳолда пушаймон бўлажаклар. Мана, уларни у мудҳиш (азоб) Қичқирик Аллоҳнинг адолат(и) сифатида дарров ушлади ва уларни бир чорчўп ҳолига келтирдик! Энди узоқ бўлсин у золимлар гуруҳи (35).

Улар уни (азобни) водийларига тўғри сузган бир булут шаклида кўришиб, “бу — бизга, ёмғир берувчи бир булут”, дейишганди.

Йўқ! Бу сизларнинг тез келишини истаганингиз нарсадир. Қасирғаки, унда алам берувчи бир азоб бордир. У Роббининг амри ила ҳар нарсани ҳалок этажакдир. Мана, улар шу ҳолга тушдиларки масканларидан бошқа нарсани кўрмас бўлдилар. Биз гуноҳкорлар гуруҳини мана шундай жазолантираимиз (36).

...Улар масҳара қилган нарса уларни қуршаб олди (37). ...Йўлига ким дуч келса, қўйвормасдан, унинг кулини мутлақо кўкка совуради эди (38). Чунки биз (ҳақларида) уғурсиз (омадсиз) ва (уғурсизлиги) давомли бир кунда уларнинг устига шовқин-

суронли бир қасирға индирдик. (Шундай бир қасирғаки,) инсонларни илдири билан юлиб олинган хурмо тўнкалари каби юлиб ол(иб ҳалокатга учрат)ар эди (39). (Аллоҳ) уни (қасирғани) етти кеча, саккиз кун изма-из уларнинг устига мусаллат этди.

Шундайки, (сен ҳам ҳозир бўлсайдинг) у қавмнинг (бу муддат) ичида (қандай) ўлиб, йўқ бўлганини

кўрардинг. Улар ичи ковак хурмо тўнкалари эди гўё.

Энди улардан бирон (омон) қолганни кўраяпсанми (40)?

(Худ) ва у билан бирга бўлган (мусулмон)ларни Қатимиздан бир раҳмат ила қутқардик, — оятларимизни ёлғон ҳисоблаб, иймон этмаганларнинг эса томирини кесдик.

**Худ алайҳиссаломнинг Ҳажга кетиши**

Пайғамбаримиз видо ҳажида Ўсфон водийга борган пайтда ҳазрати Абу Бакрга:

- Эй Абу Бакр, бу қайси водий? — деб сўради. Ҳазрати Абу Бакр:

- Ўсфон водийси, — деб жавоб берди.

Пайғамбаримиз саллаллаҳу алайҳи вассаллам Худ алайҳиссаломнинг белига аҳо тутиб, белидан юқорисини ола-була бир матоҳ-ла ўраб, хурмо долларидан ўрилган жиловли, қизил, ёш урғочи туяга минган ҳолда шу ердан Ҳажга ўтганини айтганди (42).

**Худ алайҳиссаломнинг маккага кетиши ва вафот этиши**

Ривоятга кўра, уммати ҳалок бўлган пайғамбарлар ўзларига иймон этганлар билан Маккага келиб, у ерда вафотига қадар Аллоҳу Таолога ибодат ила машғул бўларди.

Од қавми ҳалок бўлгандан сўнг, Худ алайҳиссалом ҳам ўзига иймон этганлар билан Маккага келди ва улардан айрилмади (44).

Маккада вафот этган пайғамбарлардан Замзам билан Ҳожар-ул асвад орасида 70 та, бошқа бир ривоятда 99 та пайғамбар кўмилгани хабар берилади. Худ алайҳиссалом ҳам ўша ерда кўмилганлар орасидадир (46). Худ алайҳиссаломнинг Ҳадрамавтада вафот этгани ва қабрининг у ерда қизилкумли бир тепада экани (47), вафот этганида 464 ёшда бўлганлиги ҳақида ҳам ривоят бор (48).

Унга ва юборилган бутун пайғамбарларга салом бўлсин!

*Давоми келгуси сонда*



Яқинда Ўзбекистон Халқ Ҳаракати сайтида журналист Шухрат Бобожоннинг Украинадаги сўнгги воқеалар, аниқроғи, бу воқеаларга ўзбекларнинг муносабати ҳақидаги фикрлари чоп этилди. Бунинг ортидан тортишувга сабаб бўлди.

Куйида ушбу матнни ҳамда унга билдирилган изоҳларни келтираемиз:

\*\*\*

### СССР АФЮНИДАН САРХУШ ДАЛИЛАР

Бугун Украина борасида Россия нуқтаи назарини ҳимоя қилаётган ўзбеклар кўпайган. Улар Россия ТВ ва матбуоти тарқатаётган ташвиқот афюнини сипқориб, нима деганини ўзлари ҳам билишмаяпти.

Улар айни оғиз билан Ғарб кадриятлари гўрига ғишт қалашади ва айни пайтда иложи бор қадар тиришиб, Ғарбий Европага бориб олиш уларнинг орзуси.

Ёки Ғарбий Европадан сиёсий бошпана олган ўзбеклар ҳам СССР яхши эди, Россия зўр, Ғарб ва АҚШ ёмон деб айтишни одат қилишган. Айни пайтда улар “бир кун туз еган жойга минг кун салом бер” деган мақолга ҳам амал қилишмайди.

Яқинда Тошкентлик бир йигит билан телефонда гаплашдим. Ярим соат Американи ёмонлади. Кейин эса «Ака, шошиб турибман АҚШга виза олиш учун навбатга ёзилган эдим, навбатим яқинлашди» дейди.

У Саудия, Покистон ёки Эронга эмас, балки Америкага бориб яшашни истади. Улар Шимолий Кореяга эмас, балки Жанубий Кореяга боришни иташади.

Буни бировлар иккиюзламачилик дейди. Яна бировлар эса олтиюзлик дейишади.

Иккала вариант ҳам ҳақиқатга яқин...

**Шухрат Бобожон**

\*\*\*

Шухрат Бобожоннинг бу фикрларига сайт меҳмонлари эътироз билдириб изоҳ қолдиришган.

Сайтнинг фаол қатнашчиси Комил шундай деб ёзган:

“Бундан 30 йил олдинги Совет ҳаёти оддий халқ учун яхши эди, бу бор гап. Бугунги Ғарб ҳаёти дунёдаги энг илғор ҳаёт, бу ҳам бор гап. «Ўзбеклар учун қайси бири яхши?» деган савол кўйилса, табиийки, бу савол кетидан «Қуриш учунми, ёки тайёрига шерик бўлиб яшаш учунми?» деган савол туғилади.

## УКРАИНАДАГИ ВОҚЕАЛАР АТРОФИДА ЎЗБЕКЛАР ТОРТИШУВИ

Ғарбники каби илғор ҳаёт қуриш бизнинг бугунги ҳолатимизда хомхаёл, бунинг учун на илмий, на ҳуқуқий билим йўқ, яқин орада бўлиши ҳам дарғумон.

Совет тузумини қайтариш эса унчалик қийин эмас, бўйнимиздаги занжирнинг учини Каримовдан тортиб олиб Путинга тутқазсак бўлди, олам гулистон. Ўзбекларга шуниси осонроқ, ҳа нима, Ватан ҳақида шеър ёзиб, ўрисни хизматини қилиб юраверамиз-да, қўлимиздан келгани шу бўлгандан кейин”.

**Комил**

\*\*\*

Дўстназар Худойназаров эса шундай деб ёзган:

Биз”СССР афюнидан сархуш далилар”мизми ёки баъзи бир ғарбпараст жуналистлар далилар”ми???

Бугун Украина борасида АҚШ ва Ғарб назарини ҳимоя қилаётган журналистлар кўпайган.

Улар Европа ва АҚШ ташвиқот афюнидан ташқари улардан маош олиб, нима деганини ўзлари ҳам билишяптими?

Журналистлар ким бўлмасин, бугунги кунда ҳақиқатни гапирishi керак ва оммага етказиши керак, деган ақида билан ҳаракат қилишяптими?

Аслида эса кўрганларини кўрдим, эшитганларини эса эшитдим деб ахборот тарқатишяптими?

Балким бу оладиган маошимни оқлашманки, деган назария асосига тўғри келадими?

Афғонистонда кимдир ҳукуматга ёки АҚШ солдатига қарши ҳаракат қилиб ўқ отса, у террорчи саналадими?

Сурияда ҳукуматга қарши чиққан халқ – бу ҳам террорчими?

Бугунги Украинани қонуний ҳукуматини кўриқлаб турганларга қарши қўлбола портлатгичлар отаётганлар ватанпарварми?

Бугун менга Ғарб сиёсий бошпана берди деб, «Бир кун туз берган ерга минг кун салом бериш» деган мақолга амал қилиб, фарзандларимни «бесоқолбоз»ларга

топширишим керакми?

Бугун менга Ғарб сиёсий бошпана берди деб, ўз миллатим урф одати ва келажакдан кечишим керакми?

Бугун Ғарб менга бошпана берди деб, юз-кўзини яшириб ўз миллатдошига палаҳмонда очикчасига тош отаётганларни қўллаб ёзишим керакми?

Бугун Ғарб менга сиёсий бошпана берди деб, Каримов режимига бермаган эркимни Ғарбга беришим керакми?

Бугун Ғарб менга сиёсий бошпана берди деб, Ғарбнинг баъзи бир адолатсиз сиёсатини ҳам қўлашим керакми?

Бугун Ғарб менга сиёсий бошпана берди деб, Ғарб сиёсати вақтида менга туз, нон ва бошпана берган Украинани парчалашига ҳаракат қилса, мен буни қўллаб туришим керакми?

Бугун шу журналистлар ўзларини ўстириб вояга етказиб келган Ўзбекистон режимини танқид қилсалар, улар учун бу сўз эркинлигига кирадими?

Бизлар учун эса Ғарбни баъзи бир сиёсатини танқид қилсак бу “Бир кун туз еган жойга минг кун салом бер” деган мақолга ҳам амал қилмасликка кирадими?

Журналистлар туз берган тузликка тупиришлари мумкин, бу улар учун сўз эркинлиги-ю, бизлар учун эса онкўрликка кирадими?

Шу ўринда савол туғилади: Ким “Дали ва олтиюзлик”???

**Дўстназар Худойназар**

Бу шеърда ҳаёт, инсонларнинг бутун вужуд аъзолари ила (қўл, оёқ, юз, кўз, кулоқ) хизмат қилмоқ учун яратилгани чидаб бўлмас бир исканжа ўлароқ кўрсатилади:

*Бир қўлим кўксимда*

*турар мунтазам,*

*Бир қўлим раисга саломлар берар.*

*Ишга шўнгиб кетар*

*қолган ўнтаси,*

*Қолган ўнта қўлим*

*пахтани терар.*

*Қўлдан иборатдир*

*менинг вужудим,*

*Кўзим - қўл, юзим - қўл,*

*оёғим ҳам қўл,*

*Неки туртиб чиққан*

*бўлса ичимдан,*

*Бари - қўл, ҳаттоки ...*

*қулогим ҳам қўл!*

Чунки экилогик фалокат сабаби ила булбуллар ўлмоқда, гуллар куримоқдадир.

Худди шундай, мавсумлар гўзаллигини куйлаганлар ҳам ёлғон сўйламоқдалар.

Зеро, фаслларнинг юзидаги ол ранг аслида ўлим гўзаллигидир.

Шоир, пахтанинг “олтин” деб аталишига ҳам эътироз билдиради. Чиндан ҳам, пахта, ўзбек иқтисоди учун олтиндан кадрлидир.

Шу сабабли пахтага ҳақли ўлароқ “оқ олтин” деб ном берилгандир.

Аммо шоир, халқнинг ҳаётига қасд этган, халққа қарши бўлган бу ҳақиқатнинг ҳам ёлғон саналиши кераклигини куйлайди:

*Пахтани “олтин”*

*деб кимдир бўлса ҳақ,*

натсион нуктага чиқаради:

*Бу менинг ўз уйим*

*агарда ўлсам,*

*Жасадимга ҳечким ўшиқиролмайди,*

*“Чиқиб кет бу ердан, чиқиб кет”*

*дея.*

Яхши билан ёмоннинг, хунук билан гўзалнинг, фазилат билан фазилатсизликнинг ёлғон билан тўғрининг бир - бирига қоришиб кетган, кўркув ила хавотирнинг ҳоким бўлгани бир ҳаётни афзал кўриш ва маъқулаш, албатта мумкин эмас. Бундай бир жамиятда инсонлар бир - бирларига ҳурмат, севги ва шафқат ҳислари билан якилашиш ўрнига, бир-бирларидан шубҳа қилиб узоклашадилар. Инсонлар энг оддий эҳтиёжларига эришмоқ учун ҳам, юқоридан бериладиган ҳар қандай амрга итоаткор манкуртлар ҳолига келадилар. Ҳақиқатдан ҳам, Рус Совет Империяси бутунлай абгор ҳолга келган, фикрлаш қобилиятини йўқотган замонавий манкуртлар империясидир. Бу ҳам, жамиятни ўз ҳуқумдорлиги остига олган жаноб коммунистлар томонидан билиб туриб, қасддан яратилган бир вазиятдир.

Система ўзини сақлаб қолгани учун, замонавий куллик деб аталган манкуртизмдан қарздордир.

Муҳаммад Солих, шу фикрларни ўз ичига олган шеърини “Адашганлар кўшиғи” деб номлаган. Бу саргардонлик, йўлини йўқотиб, хайрон турган бир жамиятнинг кўшиғидир.

*Эҳтирос қамчиси*

*остида дир-дир,*

*Титраётган туядай, тушов оёқда*

*Юришга мажбурмуз,*

*юрмоққа мажбур*

*Билмай, мағриб қайда*

*машиқ қайда*

*Ҳар кимнинг бўғзида узун бир нола*

*Ҳар кимнинг кўксиди*

*биттадан ўлик.*

Шоир, бу мисраларда, ўзи мансуб бўлган жамиятни, яшамоқдан бошқа нарсани ўйламаган, оёғида занжир урилган туяга ташбеҳ этади. Кейинги мисраларда эса, руҳ сафолати, ва мақсадсизликдан арз қилинмоқда.

Аслида бу, Тангрининг бир лъанатидир. Шоир, ҳам моддий, ҳам маънавий таназзулга учраган жамиятни “хўкиз каби” ишлаганига қарамай муқофот ўрнига ҳақорат кўраётганини ифода этмоқдадир.

Бору-йўғини дунёнинг пойи остига ташлаган миллат, охири “ўғри” деган номга қолмоқдадир.

Бунга айбдор ҳам миллатнинг ўзидир.

*Давоми келгуси сонда*

## МУҲАММАД СОЛИХ ШЕЪРИЯТИ

Шоирнинг бутун бадани, хизмат этмоқ учун бошдан оёққача тамоман қўлга айланади. Аммо шунга қарамай, ишларининг уддасидан келолмас, яна кўпроқ қўлга эҳтиёж бордир. Сўнгида шоир чорани тупроққа қўл экмодан топади. Ўзига айратилган бир парча таморқасига қўл экишга қарор қилади:

*Тушда аён бўлди улуг бир мақсад,*

*Олга кетаяпман, боқмай орқамга;*

*Хўрлик ерига пахтани эксам,*

*Мен қўл экажкман ўз томарқамга!*

Бу, бир деҳқончилик ўлкаси бўлган Ўзбекистондаги ҳаётнинг умумий таърифидир. Айнан шундай ҳаёт, “Ўзбек аёлига” шеърда ҳам тасвир этилмоқдадир.

Муҳаммад Солих, бу шеърда, бутун умри пахта даласида кечган ўзбек хотинини толгани ғафлат уйқусидан уйғотмоқчи бўлади:

*Мунисим, пахтадан*

*бошингни кўтар-*

*Кун ботди, келди бош*

*кўтармоққа пайт!*

*Чўлни қувавериб, ўзинг*

*ҳам дилбар,*

*Чўлга қувгин бўлдинг,*

*етар, уйга қайт.*

*Пахтани терасан ...*

*ватанга бериб,*

*Донг қотиб ухлайсан,*

*фақат ухлайсан-*

*.....*

*Ёрим, ухлама!...*

Шоир “Бадий ёлғон” шеърда эса, совет ҳаёт тарзининг бутунлай ёлғондан иборат бўлганини билдириб, пахтанинг бутун халқни маҳв этганини ёзади.

Шоирларнинг “гул” ва “булбул” орасидаги қофияга таяниб шеър ёзишлари, бир “бадий” ёлғондир.

*Унга ҳам ишонманг,*

*қўлнинг оёққа, -*

*Чунки ҳақиқат ҳам*

*ёлғондир мутлақ*

*Агар қарши бўлса ҳақиқат халққа!*

Туркия туркчасида “иргатлик” (деҳқончилик) калимаси билан ифода этилиши мумкин бўлган бу ҳаёт тарзи, инсонларни яшаш лозим бўлган уйдан ҳам маҳрум этгандир.

“Мўжиза юз берса” шеърда, Аҳмад Яссавий мўжиза юз бериб, Ўзбекистонда такрор яшамоқчи бўлсайди, уй тақсимлаш билан машғул бўлган ижрокўм (ижро кўмитаси)нинг, унинг шоирлигини ҳисобга олиб унга бир хоналик уй берабилажаги зикр этилади.

Бир уйга етишмоқ, бир совет фуқораси учун энг буюк бахтиёрликдир. Уйининг душхонасида шалола остида ювинаётган ибтидоий одам каби шодликдан ҳайкира билмоқ, истаган деворга ўзи хохлаган расми оса билмоқ шоирнинг энг буюк ҳаёлидир.

Шоир, “Дастлабки кувонч” шеърда, уйининг деворларини шафқатла силамоқ, ва эшикларини меҳр-ла кучмоқ истади:

*Филнинг эгаси*

*Ўз филини суйгани каби,*

*Эркалагани каби,*

*Деворларин силайман бу уйининг.*

*Эшикларин қучоқлайман*

*Ошиқ йигит қизни қучган*

*сингарини.*

*Ҳаммомига кириб,*

*Завқдан қичқираман.*

*Шаршара тагида чўмилаётган*

*Ибтидоий одам каби мен.*

Шеърнинг охиридаги шу мисралар, бир уйча эгаси бўлмоқни ҳаёл этган шоирнинг севинчини кулми-

## ЗЕҲН (ОНГ) НАЗОРАТИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

### МУШТАРИЙЛАРДАН МАКТУБЛАР

**Ойдин Солих хоним  
мақолаларини ўқиб...**

Мен оддий ўқувчи сифатида Ойдин Солих хонимга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Узоқ илмий изланишлари натижаси ўлароқ таҳсинга сазовор, инсонлар учун фойдали китоб юзага келибдики, бу билан китоб муаллифини табриклаймиз.

Мен тиббиёт соҳаси мутахассиси эмасман. Лекин айтишим керакки, оиламизда врачлар бор. Опам врач. Катта акамиз Москвада жигар церрози бўйича илмий иши учун медицина фанлари номзоди унвонига эга. Уйимизда тиббиётга оид жуда кўп китоблар бор. Оиламиз даврасида замонавий тиббиёт ва табобат юзасидан тез-тез кизгин гурунлар бўлиб турар эди. Бирортамиз уйда касал бўлсак, опам бизларни замонавий дориларсиз, табиий йўллар билан даволар эдилар. Опам, акам ўзлари замонавий врач бўлсалар-да, иложи борича замонавий дориларни ишлатмасликни маслаҳат беришар эди.

Яқинда Москвага, акамга телефон қилиб, замонавий тиббиёт ва табобат ҳақида унинг фикрларини сўрадим. Шу соҳани билимдони сифатида замонавий медицинанинг хатоликлари бор эканлигини акам ҳам тан олиб, тасдиқлади.

Ҳа, бугунга келиб, кўплаб дунё тан олган фан докторлари, профессорлар замонавий тиббиётнинг тамойилларига (принциплари) шубҳа билан қарамоқдалар. Сал илгари америкалик Пол Брэг деган олимнинг «Очлик мўъжизаси, ўрисчада «Чудо голадания» китобини ўқиб чикқандим. Бу олим ҳам замонавий медицина тамойилларини рад этган. Бу олим «Яқин келажакда дорихоналардан сизга дорилар эмас, балки неча кун пархез тутишингиз, қандай таомлар истеъмол қилишингиз ҳақида кўрсатма берилади» деб ёзган эди китобида. Рўза тутиш орқали даволаниш - бепичок операция эканлиги Оврўпада бугунги кунда тан олинди. Ўзбекистонда Мош табиб ҳақида эшитмаган одам қолмаган бўлса керак.

Яқинда Ўзбекистонда чоп этилган Мош табиб китобида ҳам даволовчи дўхтир аввало таҳоратли бўлиши, иложи бўлса икки ракаат нафл намози ўқиб, шифони Аллоҳдан сўраб, кейин беморга яқинлашиши кераклиги ҳақида қайдлар бор. Уламоларимизнинг айтишича, қадимда ота-боболаримиз бир лўқма таомни таҳоратсиз

ҳолда тановул қилишдан ғоят ҳазар қилган эканлар. Бугунги кунда медицина ҳам таҳоратнинг, намознинг инсон учун тиббиёт нуқтаи назаридан ниҳоятда фойдали эканлигини тан олиб турибди. Инсониятнинг фанларнинг барча соҳасида, шу билан бирга тиббиётда ҳам, бугунги кашфиётлари бундан 1400 олдин Қуръони Каримда у ёки бу тарзда айтиб ўтилган экан.

Тарихни варақласак, Оврўпо университетларида юртдошимиз Ибн Синонинг китоблари 600 йил давомида ўқиб ўрганилганлигининг гувоҳи бўламиз. «Мадади Сино» ибораси оврўпалашиб, бугун медицина атамасига айланиб улгурди. Ўйлашимча, кейинчалик қандайдир тор манфаатларни кўзлаб асл табобатнинг тамойилларидан четга чиқилган. Оқибатда, «Ҳақиқий тиббиёт» китоби муаллифи айтганларидек, пойдевори нотўғри қурилган, илм-фан ривожланса-да, касалликлар ҳам ривожланиб бораётган замонавий медицинага эга бўлиб турибмиз. Бу ачинарли ҳолат, албатта.

Др. Ойдин Солих хоним тўғри таъкидлаганларидек, «Бугунги кунда тиббиёт дунёси ҳақимларининг Малики Ҳақ амирлари доирасидан ҳам, Малики Ҳақ ким эканлигидан ҳам хабари йўқ».

Ҳамма фожеа шунда. Дунёда яшайпмиз-у, нафас олиб, нафас чиқариб турибмиз-у, лекин, шу куч-қувватнинг манбаи Аллоҳ эканлиги эсимизга келмайди. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло буни бизга касалликлар, қулфатлар, ўлим билан доимо эслагиб туради. Албатта, кўп сонли ўрислар, оврўпалликлар ҳидоят топмоқдалар. Яқинда куйидаги хабарни ўқиб қолдим. Айнан келтираман: «Как сообщает источник в Администрации Президента, Первый Президент России (Борис Николаевич Ельцин) незадолго до своей кончины принял Ислам».

Шу ўринда, Ўзбекистонда Ислому Каримов ҳукумати ўзбекларни медицина йўллари билан ҳам анча йиллардан бери захарлаб, қийнаб келаятганлигини эслагиб ўтишни ўринли деб, ўйлайман. Ўзбекистонда аёлларда қон камлиги касаллиги, болалар ўлимнинг охири бориши, дорихоналарда ўзга давлатлардан инсон учун ўта хавфли, сифатсиз дориларни бизнес мақсадида келтириб, ўзбекларга сотилишини қандай баҳолаш мумкин?

Инсоният доктор Ойдин Солих хоним таъкидлаганларидек, хоҳлайдими йўқми, эртами-кеч асл манбага - муқаддас Қуръони Каримга барибир қайтади.

Буни нафақат бугун, балки бир неча йиллар олдин Оврўпонинг мана ман деган мутафаккирлари ҳам тан олиб, айтганлар. Биз ўзбеклар хозир

Оврўпада эканмиз, ҳар биримиз Ҳақ таоло илмини гўзал йўллар билан ташвиқ, татбиқ этишда фаол ва намуна бўлишимиз керак. «Ҳақиқий тиббиёт» китоби бу ерда яхши иш беради, деб ўйлайман. Америкалик, Оврўпаллик дўстингиздир, қўшнингиздир. Бу китобда келтирилган даво усулларини уларга ҳам тавсия этиб, бунинг манбаи Қуръони Карим эканлигини, Расулulloҳ с.а.в. ҳақларида эслатиб ўтсангиз, уларнинг қизиқиши ортади. Аллоҳ насиб қилиб, «Ҳақиқий тиббиёт» китоби сабаб бўлиб ўша оврўпаллик ҳидоят топар, эҳтимол. Шу сабаб, бу китобни, муаллиф мақолаларини ўқиб «Ҳа яхши, зўр» деб, тўхтаб, жим қолмаслигимиз керак. Бу муҳим.

Аллоҳ таоло Қуръонни диллардаги (бузуқ эътиқодлардан вужудга келган) касалликларга шифо, мўъминлар учун ҳидоят ва раҳмат қилиб юборди. Ислождан узоқ кишилар қалби касал кишилардир.

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Огоҳ бўлингларки, инсон танасида бир парча гўшт бордир. У тузалса – тана ёппасига тузалади, бузилса тана ёппасига бузилади. Билинларки, у – қалб -юрақдир» – дедилар» (Бухорий:52; Муслим:1599). Таналарнинг тузалиши қалбларнинг тузалишига боғлиқдир.

Ойдин Солих хоним таъкидлаганларидек, «Соғлиқни сақлашнинг йўли Қуръони Каримда, ҳадисларда, буюк уламоларнинг китобларида батафсил тушунтирилган». Бизларнинг вазифамиз эса шу китобларни ўқиб ўрганишимиз, энг асосийси уларга амал қилган ҳолда ҳаёт кечиршимиздир.

«Ҳақиқий тиббиёт» китоби илм аҳллари учун уларнинг келгуси илмий изланишларида қимматли манба, биз каби оддий инсонлар учун эса дардимизга шифо топишда муҳим қўлланма бўлиб қолади. Бу муҳим китобни биз бир-биримизга тавсия қилишимиз, кўплаб нашрда чоп этилишига, бошқа тилларга ҳам таржима қилинишига эришишимиз керак.

«Ҳақиқий тиббиёт» китобининг дунё юзини кўриши муносабати билан туркийзабон халқларни, шу жумладан, туркий ўзбек халқини тиббиёт соҳасида эришилган янги зафар билан муборакбод этаман. Аллоҳ таоло китоб муаллифининг илмларини янада зиёда қилишини тилаб қоламан.

*Дилмурод Худойқул.*

**Ойдин СОЛИХ**

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан  
(Давоми келгуси сонда)

“Эркин Юрт” интернет-газетаси  
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt  
Мустақил манбааларнинг  
маълумотларидан фойдаланилди.